ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 891.709

ҲАЗРАТКУЛИЁН ДИЛШОДАИ ФАРХОДЗОД

ФАРЗОНА ШЕЪРИЯТИНИНГ ПОЭТИКАСИ

10.01.06 – Осиё ва Африка халқлари адабиёти (тожик адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Самарқанд – 2012

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети Тожик адабиёти кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар: **филология фанлари доктори, профессор Ҳамроев Жумақул**

Расмий оппонентлар: **филология фанлари доктори, профессор Ҳасан Қудратуллоев**

филология фанлари доктори, доцент Сарвиноз Сотиболдиева

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Ҳимоя 2012 йил « … » … куни соат …да Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ҳузуридаги …. рақамли фан номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгашнинг мажлисида ўтказилади.

Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети илмий ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил … кунида тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш илмий котиби,
филология фанлари номзоди **У.Қобилов**

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ҳар қандай санъат асари замон ва муҳитга боғлиқ ҳолда майдонга келади. Чунончи, 60–йиллар тожик халқи ижтимоий–сиёсий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, сталинизм сиёсати емирилишидан кейинги вазият ва қарор топаётган янги муҳит адабиёт ривожига таъсир этмай қолмади. Давр ва муҳит руҳиятини акс эттириш, янги мавзуларни кашф этиш йўлидаги изланишлар адабиётда янги тамойилларни вужудга келтирди, мазмун ва шакл жиҳатидан янгича шеъриятнинг шаклланишига замин ҳозирлади.

Ишқ, ёшлик, табиат мавзуидаги шеърлар фалсафий қарашлар билан бойиди. Инсон ҳаёт, табиат, жамият ва ўз руҳий дунёси билан биргаликда тасвирлана бошланди. Ижодкор дунёқарашидаги эврилиш баробарида адабий жараённинг ҳам шоиру адибларга талаби ўзгарди. Тожик адабиётшуноси Юсуф Акбаров фикрича: «Шеърда (ва нафақат шеърда) бўлган янги мазмун ва тафаккур йўлидаги кураш, айни замонда, янги шакл ва ифода воситалари йўлидаги кураш ҳамдир. Янги шакл бизнинг ҳар кунги ҳаёт ва воқелигимиз тақозо этган янги, тараққийпарвар мазмунларнинг қонуний ифодаси бўлиши керак. Шакл ва мазмуннинг мантиқий ва диалектик алоқаси ҳар хил ўзгаришларнинг моҳиятини белгилайди».[1] Дарвоқе, мазмун ва шаклнинг мантиқий ва диалектик муносабати мазкур давр адабиётини янги сифат босқичига кўтарди.

XX аср тожик адабиёти, хусусан, шеърияти маълум объектив ва субъектив сабабларга кўра ўзининг мумтоз сарчашмаларидан бир қадар йироқлашган эди. Ўтган асрнинг 60-йиллари адабиётида янги тамойил пайдо бўлиб, шоирларни изланишга, янгича ифодаларга ундади. Бевосита ҳозирги Эрон адабиёти ва билвосита Ғарб адабиёти таъсирида тожик назмида форс шоири Нимо Юшиж асос солган нимоий, эркин ва оқ шеър каби янгича шакллар вужудга келди. Мўъмин Қаноат, Лоиқ Шерали, Бозор Собир, Мастон Шерали, Ҳабибулло Файзулло, Гулрухсор, Гулназар каби шоирлар мазкур шеърий шакллардан имкон даражасида фойдаланиб, янги тожик шеъриятини такомиллаштирдилар ҳамда тожик шеъриятининг нафақат Тожикистон, балки Эрону Афғонистонда ҳам эътиборга сазовор бўлган намуналарини яратдилар. Бу даврда шеърият табиий ривожланиш жараёнига қайтиб, шахс ҳаёти ва ижтимоий воқеликка яқинлашди.

Мазкур давр шеъриятининг ўзига хос вакилларидан бўлган Фарзона Хўжандий нафақат ўз юртида, хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилган машҳур шоиралардан бўлиб, барча даврлар ва халқлар адабиётининг ягона мақсади бўлмиш комил инсон ғояси унинг ижодиётида ҳам етакчи ўрин тутади. Ана шу жиҳатдан ҳам асл адабиёт муайян чегаралардан ўтиб, инсонларни бир–бирига яқинлаштиради.

---

[1] Акбаров Ю. Қисмати инсон ва қисмати шеър. Душанбе.: Дониш, 1980.- 194 б.

Фарзона Хўжандий ўз ижодида мумтоз адабиёт анъаналарини таяниб, аруз вазнида ҳамда ғазал, маснавий, қитъа, мусаммат, рубоий, дубайтий каби турли хил жанрларда ўз кучини синаб кўрди. У ишқ, ёшлик, табиат васфи ва адолатсизликлардан шикоят каби мавзуларни ёритишда янгича шеърий шакллар, ифодаю тасвирларни ҳам қўллади. Бу орқали мумтоз шеърий жанрларга замон руҳини сингдиришга эришди.

Маълумки, маҳоратли шоирлар ижоди адабий жараённинг умумий ривожига туртки беради, уни янги сифат босқичига кўтаради. Фарзона ана шундай ижодкорлар сирасига киради. Шу боис шоира шеъриятининг бадиий қирраларини салафлари ва замондош тожик шоирлари ижодининг поэтик хусусиятлари билан қиёсий-типологик таҳлил асосида ўрганиш долзарб аҳамият касб этади. Бу нафақат шоиранинг замонавий тожик адабиётидаги мавқеини белгилаш, балки янги мазмун ва тасвир, янги шеърий шакллар ҳамда бошқа адабий янгиликлар моҳиятини тадқиқ қилиш, шунингдек, бугунги тожик шеърияти такомилининг босқичларини аниқлаш имконини беради.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Бу йўналишда бажарилган ишлар ё умумий тарзда, ё ижодкор назмининг бир жиҳатига бағишланган тадқиқотлардир. Академик М.Шакурий,[1] А.Сайфуллоев,[2] С.Юнусов,[3] М.Мирзоюнус,[4] Т.Бобоева,[5] шоир ва муҳаққиқлар А.Ҳакимов,[6] Н.Нурзод, шунингдек А.Шеърдўст,[7] А.Қазва, Д.Ноил каби хорижий тадқиқотчиларнинг давр шеъриятининг умумий таҳлилига оид илмий ишларида шоиранинг ижодий маҳорати, шеърининг ғоявий-бадиий ва жанр хусусиятлари ҳам қисман ўрганилган.

Шоира ижодига бағишланган алоҳида тадқиқотлар сифатида уч манбани келтириш мумкин. Биринчиси, адабиётшунос С.Юнусов қаламига мансуб бўлиб, унда Фарзона ва унинг замондоши Сиёвуш шеъриятидаги образ ва вазн масалалари типологик тарзда ўрганилган. Лекин шоира ижодидаги янги шеър мавқеи ва поэтик маҳорат махсус тадқиқ қилинган эмас. Адабиётшунос олима Т.Бобоева рисоласида эса тожик адабиётидаги образ масаласи ўрганилган. Айни пайтда, унда Фарзона ижодий маҳорати борасида ҳам сўз юритилиб, образларнинг бадиий санъатлар негизида вужудга келиши асослаб берилган. Учинчиси, ёш тилшунос З.Қўрғоновнинг шоира шеъриятида ишлатилган синонимларга доир рисоласи бўлиб, унда Фарзона шеърияти лисоний жиҳатдан таҳлил этилган. Мазкур тадқиқот ишларида шоира шеърияти поэтикаси, услуби, янги шеъриятдаги новаторлиги махсус ўрганилмаган.

Булардан ташқари, интернет тармоғида юздан ортиқ илмий–адабий материаллар, шоира шеърларининг таҳлили, журналистлар билан

---

[1] Муҳаммадҷон Шакурии Бухорой. Нигоҳе ба адабиёти тоҷикии садаи бист. Душанбе: Пайванд, 2006.- 456 с.
[2] Сайфуллоев А. Армуғони дил. -Хуҷанд, 2000.- 159 саҳ.
[3] Юнусов С. Аз зоҳири ашё ба асли ҳақиқатҳо. Рисола. Хуҷанд, 1997.- 227 с.
[4] Мирзоюнус М. Шукуфаи андӯҳ. Хуҷанд, нашриёти давлатии ба номи Р. Ҷалил, 1999.- 230 с.
[5] Бобоева Т.Тасвир дар шеъри муосири тоҷик. Рисола. Хуҷанд, 2002.-136 с.
[6] Ҳакимов А.Дар қаламрави сухан. – Душанбе:Ирфон, 1982.-224 с
[7] Алиасғари Шеърдўст. Чашмандози шеъри имрўзи Тоҷикистон, Душанбе:Адиб, 1997.-271с.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

суҳбат, хорижий мамлакатларда ўтказилган учрашув ва шеърият кечаларидан видеолавҳалар, суратлар, шоира асарларининг рус ва инглиз тилларида босилган таржималаридан иборат электрон материаллар мавжуд. Аммо уларда ҳам шоира шеъриятининг бадиияти етарли даражада ўрганилмаган.

Фарзона асарларида ҳам анъанавий, ҳам замонавий ижодий услублар синтезини кузатиш мумкин. Шоира ижодиётида оригинал образлар, замон руҳиятини ўзида мужассамлаштирган деталлар, штрихлар, ибора ва манзараларни учратамизки, булар анъанавий жанрларга янгича руҳ бағишлайди. Ушбу ҳолатлар шоира поэтик маҳоратини махсус тадқиқ этиш эҳтиёжини юзага келтиради. Бинобарин, бу бугунги тожик адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ишнинг фундаментал тадқиқотлар режаси билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети Тожик адабиёти кафедрасининг XX аср тожик адабиётининг муҳим масалаларини ўрганишга оид фундаментал илмий тадқиқотлар режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Фарзона шеъриятининг поэтик хусусиятларини давр адабий жараёни контекстида монографик тарзда ўрганиш тадқиқотнинг асосий мақсадидир. Бу мақсадни амалга ошириш қуйидаги вазифалар бажарилишини тақозо этади:

- Фарзона шеърларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари таҳлили;
- анъанавий ва янги шеърий шакллар, жумладан оқ шеърнинг шоира ижодидаги мавқеини аниқлаш;
- тил ва тасвир бобида шоира новаторлиги сирларини тадқиқ қилиш;
- шоира ижодий услубининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- шоиранинг вазн ва қофиядан фойдаланиш маҳоратини кўрсатиш;
- Фарзона шеъриятини Лоиқ, Бозор Собир, Гулрухсор, Доро Нажот каби замондош шоирлар ижоди билан қиёсий ўрганиш;
- шоиранинг шеърларини Фуруғ Фаррухзод, Суҳроб Сипеҳрий каби Эрон модернист шоирлари ижодининг поэтик хусусиятлари билан қиёслаш асосида ўзаро таъсир масаласи тадқиқини амалга ошириш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Фарзонанинг лирик мероси, унинг уч жилддан иборат бўлган «Қатрае аз Мўлиён» («Мўлиёндан бир томчи») девони тадқиқотнинг асосий объекти ва предметидир. Шунингдек, «Шабохуни барқ», «Ояти ишқ», «Меърожи шабнам»[1] каби турли йилларда босилган мажмуалар ҳам тадқиқотга тортилди.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва тадқиқ усуллари. Мазкур тадқиқот ишида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов асарларидаги миллий мафкура ва маънавият асосларига доир тамойил ва мезонлар

[1] Фарзона. Қатрае аз Мўлиён.(дар се ҷилд), Хучанд: Нури маърифат, 2003; Фарзона. Шабохуни барқ. Д.:Адиб, 1989.- 128 саҳ.; Фарзона. Ояти ишқ. Д.:Адиб, 1994.- 176 саҳ.; Фарзона. Меъроҷи шабнам.Д.:Адиб, 1994.- 208 саҳ.

методологик асос вазифасини ўтади. Ишда замонавий рус, тожик, ўзбек эрон адабиётшунослигининг етакчи намояндалари Л.Чернец, О.Богданова, М.Шакурий, Т.Зеҳний, Б.Сирус, Р.Мусулмониён, Х.Шарифов, У.Тоиров, Х.Отахонова, А.Сатторов, А.Набиев, А.Абдуманнонов, Ю.Акбаров, М.Мирзоюнус, С.Юнусов, Т.Бобоева, И.Султон, Ҳ.Болтабоев, Ҳ.Умуров, ҳамда Р.Бароҳаний, Ш.Кадканий, А.Шеърдўст, Ш.Лангарудий, К.Ҳасанлий каби бир қатор адабиётшунос олимларнинг тадқиқотларидаги илмий–назарий қарашларга таянилди.

Диссертация доирасидаги тадқиқотларда қиёсий–тарихий, илмий шарҳ ва таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- шоира Фарзона шеърияти мисолида янги шеър ва унинг 80–йиллардан кейинги ривожини адабий янгилик сифатида ўрганиш;
- янги замон форс шеъриятининг ҳозирги тожик назми тараққиётига таъсири, янги тожик поэзияси шаклланишининг ўзига хос қонуниятлари;
- ҳозирги тожик адабиётидаги ирфоний оҳанглар ва ижодий услублар хилма-хиллигини юзага келтирган сабаблар;
- Фарзонанинг янги мазмун ва бетакрор бадиий тасвирлар орқали шеърда замон руҳини ифодалаш маҳорати;
- ҳозирги тожик шеъриятида мумтоз назм руҳи, шу билан бирга, янгича ифодага интилиш, янгича образ ва мазмунлар яратиш, хусусан, шеърда аёлга хос қарашларни ифодалаш, хуллас, адабиёт ривожи нуқтаи назаридан Фарзона ижодининг мавқеи;
- Фарзона ижодиётининг форсийзабон адабиёт такомилидаги ўзига хос ўрни ва мақоми.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ҳозирги адабиётшуносликдаги долзарб муаммо тадқиқига бағишланган бўлиб, бизнингча, қуйидаги масалаларнинг ўрганилиши тадқиқот мавзуининг илмий янгилигини белгилайди:

- 80-йиллардан кейинги давр тожик назмидаги асосий тенденциялар аниқланиб, уларга илмий баҳо берилгани, янги тожик шеъриятининг тараққиёт тамойиллари белгиланиб, шеър турлари ва уларнинг хусусиятлари тадқиқ қилингани;
- анъана ва новаторлик муносабати адабий-эстетик ҳодиса сифатида таҳлил этилгани;
- Фарзона шеърияти таҳлили мисолида Эрон модернист ижодкорларининг янги тожик шеъриятига таъсири масаласи ўрганилгани;
- шоира шеъриятининг ҳозирги тожик адабиётидаги мавқеи тайин этилгани.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот муайян давр тожик адабиётининг бадиий–услубий, ўзига хослиги ва жанр такомили масалаларини ўрганиш, янги шеър мақомини аниқлаш,

шунингдек, мазкур давр шеъриятининг мазмун ва шаклдаги сифат ўзгаришларни ўзига хос тадқиқ этилгани билан аҳамиятлидир.

Диссертация натижаларидан филология, журналистика, шарқшунослик йўналишлари таълим жараёнида, адабиёт назарияси ва тарихига доир тадқиқотлар олиб боришда илмий–услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Диссертация натижалари СамДУ филология факультети тожик бўлимида «Поэтика», «Ҳозирги тожик адабиёти тарихи», «Адабиётшуносликка кириш», «Ҳозирги адабий жараён» фанларини ўқитиш жараёнида амалиётга тадбиқ қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тад□и□от иши СамДУ Тожик адабиёти ва Ўзбек адабиёти тарихи кафедралари □ўшма йи□илишида (2010 йил, 15 март, 8-сон баённома), университет □узуридаги К.067.04.01 ра□амли Ихтисослашган кенгаш □ошидаги 10.01.06 – Осиё ва Африка халқлари адабиёти (тожик адабиёти) ихтисослиги бўйича ташкил этилган илмий семинарда (2011йил, 11 ноябрь, 4-сон баённома) му□окама □илиниб, тугалланган иш сифатида □имояга тавсия этилган. Тад□и□отнинг му□им □оялари юзасидан Самар□анд давлат университети профессор-ў□итувчилари ва ёш олимларининг анъанавий илмий-назарий анжуманларида маърузалар □илинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни мазкур мавзудаги илмий монографияда, қисман факультет ва университет илмий мажмуалари, Самарқанд Давлат университети Ахборотномаси, Баку университети Ахборотномаси (гуманитар илмлар силсиласи) ҳамда Бакудаги «Дил вэ эдэбийят» халқаро илмий-назарий журналлари, «Ўзбек тили ва адабиёти», «Сино», Тожикистондаги «Садои Шарқ», Қозоғистондаги «Ираннаме» халқаро илмий-тадқиқот журналлари ҳамда «Адабиёт ва санъат», «Мино» рўзномаларида эълон қилинган бўлиб, 15та илмий мақолада, шунингдек, СамДУ профессор-ўқитувчилари илмий анжуманларида қилинган маърузаларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Мазкур илмий тадқиқот кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда бадиий иловадан таркиб топган. Ишнинг умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **кириш қисми**да мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг кафедра илмий–тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий этилиши, илмий жамоатчилик назаридан ўтиши ва эълон қилинганлиги, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **биринчи боби «Фарзона назмида анъанавий жанрлар масаласи»** деб номланади. Бобнинг **«Анъанавий жанрлар»** деб номланган биринчи фаслида шоиранинг ижодий маҳорати адабий жанрлар ва улардаги бадиий талқиннинг даражаси нуқтаи назаридан баҳоланган. Фарзона ижодида маснавий, ғазал, мусаммат, қитъа, рубоий ва дубайтий каби анъанавий жанрлар кузатилиб, улар орасида ғазал, мусаммат ва қитъа алоҳида ўринга эгалиги исботланди. Мазкур фаслда анъанавий жанрларнинг устувор намунаси бўлган ғазалда бадиий санъатлар, қофия ва радиф, анъанавий образларни қўллаш, Жалолиддин Румийга издошлик натижасида шоира шеъриятида мумтоз руҳиятнинг сақланиши, бундан ташқари, унинг ижодида янгича тафаккур ва талқин устунлиги мисол ва таҳлиллар асосида кўрсатиб берилди.

Мусаммат-маълум даражада ижодкор салоҳиятини белгиловчи мезон. Шу боис, Эрон шоирлари ХХ асрнинг биринчи ярмида форс назмида вужудга келган «шеъри ноу»(янги шеър)даги ўз тажрибаларида мусамматдан унумли фойдаланганлар. Фарзона ижодиётида ҳам мазкур жанрнинг мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ каби хиллари учрайди. Бундан ташқари, шоира таржеъбанд ва мусаммат жанрларининг синтезидан вужудга келган шеърий шаклларда ҳам ижод қилганки, бу ҳол унинг ижодда доимий тарзда янгиликка интилиши кучлилигидан далолат беради.

Агар маснавийда янги мазмун ва образларни яратиш мумтоз услубни тақозо этса, қитъада мазмун ҳамда шакл нуқтаи назаридан бу ҳол шоира ижодида ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Шоира девонида рубоий ва дубайтий 31та бўлса, «Мўҳри гули мино» мажмуасида 180 тадан ошади. Бу тожик назмида рубоий ва дубайтий жанрлари етакчи мавқега эгалигини исботлайди. Ушбу ҳодисани мазкур адабий жанрларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, Фарзонанинг маънавий–бадиий тафаккури камоли белгиси деб аташ мумкин. Фасл охирида девондаги шеърларнинг шаклий хусусиятларини аниқлаш учун уларнинг даврийлиги (частотаси), миқдори, ҳамда қофия хусусиятига қараб тасниф қилинди.

Таҳлиллар шоира ижодида ғазал, маснавий, рубоий сингари анъанавий жанрлар янгича мазмун билан бойитилганини, уларда замон руҳи бетакрор бадиий талқин этилганини кўрсатади.

Бобнинг **«Фарзона шеъриятида мавзу ранг-баранглиги»** деб номланган иккинчи фаслида шоира ижодиётидаги анъанавий ишқ,

ирфон, табиат васфи, ижтимоий–ахлоқий масалалар билан биргаликда ватанпарварлик, ўзни англаш, миллий уйғониш, миллий ифтихор, она мадҳи ва шунга ўхшаш замонавий мавзулар талқини муаммолари тадқиқ қилинди. Шунингдек, Шарқу Ғарб маънавий қадриятлари маърифати, инсон фалсафий тушунчаси, замон ва макон масалаларининг шоира ижодида ёритилиши ўрганилди.

Адабиётшунос М.Ҳамидова айтганидек, «Башарий маънавий–ахлоқий қадриятларнинг жамият муаммолари билан уйғунликда акс эттирилиши публицистик жўшқинликни асослайди».[1] Таъкидлаш жоизки, ижтимоий–ахлоқий мавзулар талқини Фарзона шеъриятида публицистик оҳангни вужудга келтирган. Бироқ бу шоиранинг сокин, мулойим ифода тарзини ўзгартира олмаган. Бу мавзулардаги шеърлар ижодкорнинг адабий–ижтимоий идеали ифодалангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш жоизки, ахлоқий муаммолар шоира шеъриятида устувор саналади. Бу жараёнда ижодкор умуминсоний-ахлоқий меъёрларга таяниб, инсонпарварлик, комил инсон ғояларини талқин этади.

«Паёми ниёгон» («Аждодлар саломи») туркум шеърларида эса, миллий, инсоний қадриятларнинг дарз кетиши, маърифатсизлик, тил ва миллий маданиятга лоқайдлик сингари иллатлар танқиди бетакрор поэтик талқин этилгани билан алоҳида ажралиб туради. Шеърлар форс–тожик мумтоз шеъриятининг улуғ намояндалари тилидан битилгани бу ижод намуналарининг ўзига хос услубидан далолат беради.

Ҳозирги тожик адабиётида Аскар Ҳаким, Доро Нажот, Муҳаммадали Ажамий каби шоирлар қатори Фарзона шеъриятида ҳам ирфоний қарашларнинг ўзига хос талқини кузатилади. Бу асосан унинг ишқий ва ижтимоий–ахлоқий мавзуларда ёзилган шеърларида ўз аксини топган. Шоира шеъриятида ишқ баъзан мажозий, гоҳида эса ирфоний мазмун касб этади. Ишқ унинг лирик қаҳрамонига қудрат ва жасорат берган, бинобарин у айтади:

Болам деҳу авҷам бубар, то ишқ варзам бо Худо,
Эй, ки ҷавонӣ додаӣ дар олами пире маро. (185,468)

(Таржимаси: Қанот бериб етказ юксакка, Худо билан ишқ ўйнагали, Эй сен, кўҳна-қари дунёда менга ато этган ёшликни!)

Маълумки, ирфоний тамойиллар тасаввуф адабиётида махсус образлар тизимини вужудга келтириб, рамзий маъноларни билдирган. Ирфон шоира ижодида ўзликни, Ҳақни англаш тарзида талқин этилади. Шоира шеъриятида, хоҳ у анъанавий, хоҳ замонавий шаклда бўлсин, маънавий поклик, тавба, имон, ёруғликка интилиш, нафсдан қутулиш, руҳий нажот масалалари тарғиб қилинади. Шу асосда «хуршед», «саҳар», «мавло», «дўст», «ёмғир», «боғ», «олма гули» каби пок ва нафис туйғуларни тажассум этган образлар яратилади. Булар орасида «ишқ», «дўст», «мавло» сингари образлар бир шеърдан бошқасига ўтгани сари

[1] Ҳамидова М. Ҳалима Худойбердиева лирикасининг бадиий хусусиятлари. // Филол. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун таҳдим этилган диссерт. автореф. –Тошкент, 2004.- 26 б.

такомиллашиб, идеал хусусият касб этади.Дўст образи мумтоз адабиётда лирик, дидактик асосда гоҳ илоҳий маъшуқа, гоҳ оддий инсон тимсолида намоён бўлса, Фарзона ижодида ишқий ва ижтимоий–ахлоқий заминда, гоҳида идеал тарзда, гоҳ эса мураккаб хусусиятларга эга бўлган инсон сифатида тасвирланади.

Шарқ ва Ғарб қадриятлари маърифати мавзуси аллома Муҳаммад Иқбол шеъриятининг асосий мазмунига айланган бўлса, кейинчалик Лоиқ Шерали ва бошқа тожик шоирлари ижодида ҳам кенг миқёс касб этган. Жумладан, Бозор Собир ижодида мазкур масала бир даража субъектив хусусиятга эга бўлиб, шоир Шарқ ва Ғарб қадриятларига жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар замирида муносабат билдиради.

Фарзона эса Шарқ ва Ғарб орасида чегара қўймайди. Унинг шеърларида Ғарб мамлакатларига сафарлари таассуротлари ёрқин поэтик бўёқларда тасвирланган. У ғарбпарастларга қарата фразеологик иборани санъаткорона қайта инкишоф этиб, шундай дейди: «Қуёш урсин агар инкор этсанг Машриқни» (Офтобат занад ар мункари Ховар бошӣ(184,9)). Умуман олганда, шоира лирик қаҳрамони на Шарқни улуғлайди ва на Ғарбни, балки инсонийликни мадҳ этади.

Инсон концепцияси шоира шеъриятида диний–тасаввуфий ғояларга таянади. Илоҳий амрга итоат этмай жаннатдан мосуво бўлган ва бир куни, албатта, ўша жойга қайтиш илинжидаги инсон тасвири унинг ижодида алоҳида мавқега эга. Шоиранинг тафаккур доирасида икки масала асосий ўрин эгаллайди: ўзликни ва борлиқни англаш. Инсоний қадриятлар масаласи Фарзона шеърларида ижтимоий–ахлоқий ва ирфоний масалалар контекстида талқин этилади.

Табиат тасвири Фарзона шеъриятида шоира руҳияти билан уйғунликда ифодаланади:

Бишнавед оёти сабзи баргҳоро аз лаби ман,
Ман забони баргҳоро менамоям тарҷумонӣ. (185,456)

(Таржимаси: Мендан тингланг барглар яшил оятини,
Мен барглар тилининг таржимониман.)

Табиат манзараси-шоира руҳий кечинмаларини ифодалашда бадиий восита. Зеро, унинг шеърларида табиат тасвири замирида шахс ва жамият муаммолари бетакрор поэтик талқин этилади. Масалан, “Ва барф мерезад” (“Ва қор ёғар”, 185,345), “Хуршед ва борон”(“Қуёш ва ёмғир”, 185,358) шеърларида қарғалар авбошларга, қуёш булут тўшагидаги беморга, булутдан тушган ёмғир ва шамол эсиши қўлида тасбеҳ тутиб оят ўқувчи обидга ташбиҳ этилади. Шу асосда поэтик тасвирнинг теран мазмун билан уйғунлиги юзага келади.

Тадқиқотчи Т.Бобоева шоира ижодида табиатнинг санъаткорона ифодаси ва янги образлар яратиш борасидаги тажрибалари ҳақида шундай хулосага келган: «Айтиш ўринлидирки, Фарзона шу тарзда табиатнинг тасвирини модернистик шеърда синаб кўриб, мақсад баёни

усулида янги тажрибани вужудга келтира олди... Аммо Фарзона шеъриятида табиат тасвирининг энг муҳим хусусияти-инсон руҳиятини табиат ҳодисалари билан мутаносибликда тасвирлашдир».

Замон бадиий категория сифатида ижодкорнинг дунёқараши, характери, ижодий маҳоратини намоён этишда алоҳида аҳамиятга эга. Унга мувофиқ шоиранинг лирик қаҳрамони атом асрида яшаётган бўлса ҳам, дунёқараши эскича, содда бир одам. Вақтнинг муаллиф муродига кўра узайтирилиши ёки камайтирилиши муболаға билан тасвирланади. Тарихий ёки воқеий категориядаги замонда куннинг долзарб ижтимоий–ахлоқий муаммолари, миллатнинг шарафли ўтмиши ҳақида сўз юритилса, бадиий замонда шоиранинг ибтидоий, бугунги, келажакдаги армон ва орзулари ифода этилади.

Она мадҳи силсиласидаги «модарнома»лар шоира ижодиётида Лоиқнинг шу туркум асарларидан фарқли ўлароқ содда, оддий, дуогўй, меҳрибон, тоғлик аёл тимсоли эмас, балки қалам сеҳри ила фарзанд ҳаётига нур таратувчи, меҳрибон, дуогўй ва таянч бўлмиш зиёли шаҳар аёли тасвирланади. Аниқроғи, Лоиқнинг қатор шеърлари ва баъзи бошқа тожик шоирлари ижодида она сиймоси тоғли меҳрибон аёл умумлашма образида тажассум топган, тожик адабиётида шу тарзда муайянлашган эди. Фарзонанинг она васфига бағишланган шеърларида эса бу образ янгича талқин этилди. Модарномалардан ташқари, оналик ифтихори мавзусидаги шеърларида ҳам шоира бу бахтдан суюниб, жумладан шундай дейди:

…Ту охирин даричаи бикшодаӣ, ки ман
Мебингарам зи ту ба шукуфоии баҳор.
Ҳамчун навои сабзаму бедор мешавам
Андар ҳавои ҷунбиши мавзуни гоҳвор. (185,389)

(Таржимаси:Энг охирги очилган даричадайсан,
Сендан мўралайман кўркам баҳорга.
Яшил наво каби мен уйғонаман
Мавзун бешик тебранишин ҳавоси билан.)

Агар шоира Гулрухсорнинг бу мавзудаги шеърлари тўртликлар бўлса, Фарзона ижодида улар ғазал жанридадир. Бу ҳол шоиранинг анъанавий жанрларда ижод этишдаги юксак маҳоратидан далолат беради.

Фарзона шеърлари инглиз, француз, рус, ўзбек, араб, арман, урду ва бошқа жаҳон тилларига таржима қилинган. Айтиш ўринлидирки, бу мавзуда рисола муаллифи «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида босилган «Шеърий таржимада эркинлик ва ижодийлик» (Тошкент: 2010, №4, б.76-80) номли илмий мақоласида шоира шеърларининг Одил Икром ва Татьяна Смертина қаламларига мансуб ўзбек ва рус тилларидаги таржималари ҳақида сўзлаб, таржимонларнинг камчилик ва муваффақиятларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилганди.

Фарзона шеъриятининг мавзу қамрови кенг, шоиранинг бепоён дунёқарашидан дарак беради. Унинг ижтимоий-ахлоқий масалаларга

урғу бериши янги шеърлар, хусусан оқ шеърларидаги турлича услубий изланишлар ҳозирги адабиётдаги янги тамойилларни ўзида акс эттирган бўлиб, уларда ижтимоий-ахлоқий муаммолар талқини, айниқса, етакчилик қилади. Муҳими, шоира қайси мавзуда ижод қилмасин, теран моҳият ва бетакрор бадиият уйғунлигига эриша олган.

Иккинчи боб «Фарзона ижодиёти ва «янги шеър» деб номланади. **«Фарзона ва тожик новатор шоирлари»** деб аталган биринчи фаслда шоира асарлари Лоиқ, Бозор Собир, Гулрухсор, Доро Нажот каби замонавий тожик шоирлари ижоди билан қиёсий ўрганилган.

Ўтган асрнинг 80–йилларида тожик адабиётининг мавзу кўлами кенгайди, поэтик тафаккур юксалишга юз тутди. Академик М. Шакурий сўзлари билан айтганда: «Бугунги форсий шеъриятда кўрадиганимиз– нозик ва мураккаб, рангли ва қудратли фикр ила эҳтирос, миллий аслият ва табиийлик, янгича пардозлашдан чўчимаслик, сўз латофати тожик шеърида кам назарга ташланади. Лоиқ, Гулрухсор, Гулназар, Аскар Ҳаким, Фарзона ва бошқалар ҳаракатлари тожик шеърини саксонинчи ва тўқсонинчи йилларда шеър аслиятининг юқорироқ савияларига кўтарди. Баъзи шоирларнинг, хусусан баъзи ёшларнинг табъу завқи шу даражадаки, тожик шеърини бошқа мамлакат форсий шеъриятининг даражасига етказиши ва жаҳон миқёсига кўтаришига умид бор».[1]

Муайян вазиятда ижтимоий–адабий мавзуларга мурожаат ижодкорлар ишида синхрон тарзда мавзуларнинг ёйилиши ва умумийлашуви орқали адабиёт тараққиётига хизмат қилади. Мазкур шоирлар ижодидаги мавзулар умумийлиги турли шаклларда намоён бўлиб, усулнинг ўзига хослиги билан фарқланади. Миллий руҳ ва миллий ғоялар талқини, халқона оҳанглар ифодаси шоирлар ижодидаги муштарак хусусиятлардан саналади. Бироқ Фарзона шеърияти муайян ўзига хосликларга эга экани билан алоҳида ажралиб туради. Чунончи, агар Бозор Собир ёхуд Гулрухсор шеърларида тушкунлик, қаттиқсўзлик, қаҳр–ғазаб (ижтимоий–сиёсий масалаларда), публицистик баёнга хос хитоблар учраса, Фарзона ижодида бу ҳол тамоман ўзгача, яъни олима Зарина Жандосова айтганидек: «Фарзона шеърий услуби Гулрухсорга қараганда жуда батамкиндир. Унга ғазаб ва чидаб бўлмайдиган ғам – андуҳ эмас, балки ёруғ, меҳрибонлик ва ҳамдардлик ҳиссиётига тўла маҳзунлик хосдир… Шоира йигирма биринчи асрда ҳам «муҳаббат балқиши ҳақида» //«ҳаётга хушхабар йўллаш» мумкинлигига ишонади. Танҳо муҳаббат (шубҳасиз, муқаррар тушунчадан ташқари, ирфоний маъносида ҳам) азоб чеккан миллатни қутқариш, унинг қалбини даволашга қодирдир».[2]

Ирфоний мазмун талқини, замонавий тушунча ва истилоҳларни қўллаш, инсон руҳий кечинмалари тасвири, ижодий услубнинг ўзига хослиги жиҳатларидан Фарзона ҳамда Доро Нажот шеъриятида ўзаро

---

[1]Муҳаммадҷон Шакурии Бухороӣ. Нигоҳе ба адабиёти тоҷикии садаи бист. Д.: Пайванд, 2006.- 456 с

[2] Жандосова З. Гнев матери и печаль сестры:Тема Родины в современной таджикской поэзии. Иран-наме.(Научный востоковедческий журнал),№ 3, 2007.- 257стр.(г.Алматы).

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

яқинлик бор. Айтиш мумкинки, бу ижодкорлар назмида мумтоз адабий анъаналар сақлангани ҳолда, ҳозирги замон жаҳон адабиётидаги сюрреализм, психологизм, натурализм, ҳиссиётомизлик, модернизм ва постмодернизм тамойиллари таъсиридаги новаторлик, поэтик кашфиётлар ҳам кузатилади.

Фарзона шеъриятини бошқа замонавий тожик шоирлари ижоди билан қиёслаш шуни кўрсатадики, шоира адабий жараёндаги ютуқлардан баҳраманд бўлиш баробарида ўзи ҳам янгича адабий тажрибаларга қўл урган. Унинг адабий-эстетик қарашлари асарларида акс этган бўлиб, шоира ижодидаги ўзига хосликни таъмин этган асосий омиллардандир.

Бобнинг иккинчи фасли **«Эрон янги шеърининг Фарзона ижодига таъсири»** масаласини ўрганишга бағишланган.

Адабий алоқалар ва таъсирланиш табиий ҳодиса бўлиб, адабиёт ривожида алоҳида ўрин тутади. Шоира Фарзона ижоди таҳлили шуни кўрсатдики, унда ҳозирги Эрон адабиёти «янги шеър»(«шеъри ноу»)ининг етук намояндаларидан саналмиш Фуруғ Фаррухзод ва Суҳроб Сипеҳрийлар шеърияти таъсири сезилади. Бу таъсирланиш маълум даражада мазмун ва ифода техникасида ўз аксини топса-да, лекин тил, ифода усули, образлар олами Фарзона шеъриятида ўзига хосдир. Масалан, ваҳдати вужуд ғояси талқини Суҳробнинг «Ёруғлик, мен, гул, сув» («Равшанӣ, ман, гул, об») шеърида қуйидаги сатрларда монолог тарзда берилади:

…Чизҳое ҳаст, ки ман намедонам.
Медонам, сабзаеро биканам хоҳам мурд…(180,159)

(Таржимаси:Мен билмаган нарсалар ҳам бор,
Агар гиёҳни узсам, биламан ўлишимни аён. (Наргис Шоалиева таржимаси))

Фарзона бу мазмунни бошқача образ ва усул, драматизмга йўғрилган ифода воситасида акс эттиради:

…Бигў, ки мурдани як гулпарак вафоти муҳаббат нест?
Пас, чаро дар чашмҳои беилтифоти ту
башорати нақоти муҳаббат нест?! (186,281)

(Таржимаси:Айт, бир капалакнинг ўлими муҳаббат мамоти эмасми?
Унда нега сенинг илтифотсиз кўзларингда муҳаббат нажотининг башорати йўқ?!)

Шу мавзунинг давоми бошқа бир шеърда:

…Ман медонам, ки агар гуноҳ кардам,
Худо зи беҳудагии ранҷи офариниш огоҳ мешавад. (187,124)

(Таржимаси:Мен биламан, агар гуноҳ қилсам,
Худо яратилиш заҳмати беҳудалигидан огоҳ бўлади.)

Агар Эрон шоири инсоният хатосининг натижасига ишорат этса, тожик шоираси гуноҳ «яратилиш заҳмати беҳудалиги»дан огоҳ қилиши ҳақидаги оҳорли поэтик хулосага келади. Инсоният яратилиш тарихига

муносабат шоира ашъорида «гуноҳ фалсафаси» поэтик умумлашмасини вужудга келтирган. Фуруғ Фаррухзоднинг шеърдаги тажрибалари ғам-алам ва маъюслик талқини билан алоҳида ажралиб турса, Фарзона ижодида дард умидворлик ва шодликка интилиш билан уйғун тарзда ифодаланади.

Суҳроб Сипеҳрийга мурожаат кўпроқ ирфоний мавзуларга таважжуҳ сабабли вужудга келган. Бироқ, Фарзона Суҳробга ўхшаб ўзининг орифона дунёсига боғланиб қолмасдан, жамиятдаги масъулиятни ҳамиша ҳис этади. Умуман, Фарзона ижодида издошлик ва таъсирланиш шоирона дид, янгича мазмуннинг оҳорли талқини асосида онгли ва ижодкорона тарзда кечган.

Бобнинг учинчи фасли **«Фарзона ижодиётида янги шеър мавқеи»** деб номланиб, унда янги тожик шеъриятининг ривожланиш жараёни ва унинг Фарзона ижодидаги ифодаси масаласини ўрганишга бағишланган.

Шоира девонининг илк икки жилдида бошқа жанрлар қаторида нимоий, эркин, оқ шеърлар, учинчисида эса, асосан андиша ва хаёл жавлонгоҳи бўлмиш оқ шеърлари ўрин олган. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, шоира айни ижодий камолоти палласига етгач, инсон руҳиятини, андиша ва хаёл жилваларини поэтик инкишоф этишга ўзини ҳақли санайди.

Мазкур фаслда шоира асарлари таҳлили мисолида эркин ва нимоий шеър хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилинди. Таъкидлаш керакки, бу масалага ҳануз ойдинлик киритилган эмас. Тадқиқотда бир қатор адабиётшунослар қарашларига таянилиб, янги шеър ва унинг хусусиятлари ҳақида мулоҳаза юритилган. Жумладан, А.Абдуманнонов, Ш.Раҳмонов, С.Шамисо, Д.Нажот сингари мутахассисларнинг нимоий ва эркин шеър хусусиятлари ҳақидаги турлича, гоҳида қарама-қарши фикрлари келтирилган. Баъзида бу шеърий шакллар бир нарса саналиб (С. Шамисо), гоҳида алоҳида–алоҳида тарзда кўрсатилади (Доро Нажот). Тожик ва форс янги шеърининг алоҳида тарзда муайян адабий–ижтимоий шароитларда шаклланганн, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, нимоий ва эркин шеърнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилиниб, муайян умумлашмалар чиқарилди. Диссертацияда нимоий шеър бу- аҳён-аҳёнда тарқоқ ва заиф тарзда форс-тожик адабиётида пайдо бўлган шакл расмиятчилигига қарши эркин ҳаракат маҳсули эканлиги, ўзидан кейинги даврларда пайдо бўлган замонавий шеър шаклларига замин яратгани ҳақида сўз боради.

Фарзонанинг эркин шеърлари-шакл ва мазмун жиҳатидан мутаносиб. Унда ижтимоий-ахлоқий ва фалсафий оҳанглар ишқий оҳанг билан уйғунлашиб кетган. Гоҳида шеърларда сўзни шарҳлаш, тасдиқлаш мақсадида мисралараро вариантлар келтириш вужудга келиб, шоира сўзининг чўзилишига сабаб бўлади. Баъзан такрор санъати ҳам маънони кучайтириш ва унга урғу бериш тарзда учрайди. Шоира сўзнинг моҳиятига урғу бериш учун гоҳида шеър бошидаги мисраларни унинг

охирида ҳам келтиради. Бу хусусият унинг кўплаб шеърларида етакчи мавқега кўтарилган.

Андиша ва тафаккур талқини унинг хусусан оқ шеърларига эпик руҳ бағишлаган, юқори бадиият, кучли ҳиссиёт бу шеърларда лиризмни сақлаб қолган ва оқ шеър қонуниятлари шу тарзда шоира ижодида ўзига хослик касб этган. Эрон адабиётшуноси Муҳаммадҳасан Оқойи ҳозирги назмда янги шеърнинг эпик хусусияти ҳақида бундай ёзади: «Эски шеърда эпика олий, жанговар ва жиддий мавзу атрофидаги ривоят тарзида намоён бўлади, аммо янги шеърда (нимоий ё оқ шеър) эпика, қолипни назарда тутмаган ҳолда, сиёсий, ижтимоий ва тарихий жараёнларнинг бадиий талқинидир... Ҳозирги эпик шеър шиор, тарих ва устура (миф)ни ифода этади ва замонавий достон имкониятларидан (шахсиятпардозлик (бирор шахсиятни улуғлаш–Ҳ.Д.), ривоят, фазо яратишлик, тил ва ҳоказо)) ҳам яхшигина фойдаланади».[1]

Агар Фарзона шеъриятига ана шу нуқтаи назардан қаралса, унда руҳоний ва ижтимоий, гоҳида эса устуравий фазо ифодасини кузатиш мумкин. Масалан, “Духтари маҷнунбед”(“Мажнунтол қизи”, 186,104) шеърида у ўзини инсоний қонун ва масъулиятлардан озод, ўсимлик дунёсида кўради. Бошқа бир шеърда эса (187,168) қуёш ва осмонни бир кўзли девга ўхшатади.

Шоиранинг оқ шеърларида психологизм ва монолог бир-бирини тўлдириб келади. Ўз–ўзини таҳлил қилиш санъати бу ижодкор шеърларида ҳамиша ҳам фардий эмас, балки у ўзини жамият орасида излайди, ўз моҳиятини англашга интилади; унинг қисмати одамлар тақдири билан туташдир. Масалан, “Биё, равем” (“Юр, кетайлик”, 187,160) шеърида у “Кўзларингга нигоҳ қудратини бағишлагум” деган садога жавобан шундай дейди: “Нигоҳ нима? Нега бизнинг кўзимизда нигоҳ йўқ?” (“Чашмҳоятро қудрати нигоҳ хоҳам бахшид. Нигоҳ чист? Чаро чашми мо нигоҳ надорад?”)

Ҳис-туйғулар синтезининг поэтик ифодаси (sinesthesia) шоира ижодининг етакчи хусусиятларидандир.

Эй Бухоро! Эй муғаннии пири нобино!
Дар садои мунаввари ман ишкро мебинӣ...

(Таржимаси:Эй Бухоро! Эй кўзлари нурсизланган кекса созанда!
Менинг нурга тўлган овозимда ишқни кўрасан...)

Бу мисолда биринчи ҳолатда “овозни кўриш” ҳис-туйғулар синтези саналса, иккинчи ҳолат “нобинонинг кўриши” парадокс бўлиб, ҳозирги модернистик жараёндаги шеърларда учрайди. “Ғурбат таъми”, “жон исини эшитиш”, “садонинг иссиқлиги”, “садони кўз билан эшитиш” каби метафоралар ҳам ана шу поэтик унсурни ифодалайди.

Шоира шеърларида модернистик ва постмодернистик усулларнинг қўлланилиши унинг жаҳон адабиётини не чоғлик қамровли билишидан дарак беради.

[1] Муҳаммадҳасан Оқоӣ. Ҳамоса дар шеъри нав.Аз Нимо то инқилоби исломӣ. «Рушд. Омӯзиши забон ва адабиёти форсӣ», зимистони 1383.- 72с.

Модернистик ва постмодернистик ғоялар унинг шеърларида дунёга қараш, инсон тақдири, бугун ва эрта, ноумидлик ва истеҳзо талқинида яққол намоён бўлади. Модернизмга хос бўлган фикр эркинлиги маҳдуд адабий анъаналардан воз кечиш орқали ижодкорни янгича изланишларга чорлаб, унга кенг ижодий имкониятлар яратади. Бу заминда шеърда турли хил ижодий усулларни қўллаш, шаклий ўзгаришлар ва мазмун доирасинининг кенгайиши имконияти вужудга келади. Фарзона моҳир ижодкор сифатида мавжуд ижодий имкониятлардан самарали фойдаланган. Унинг шеърларида постмодернизмга хос бўлган истеҳза ё киноялі сўзларни қўллаш ҳамда тил ва баён нормаларидан қочиш каби баъзи унсурлари учрайди. Жумладан, халқ сўзлашувидаги баъзи сўз ва ибораларнинг қўлланилиши(«чулҳунди», «мағор»), адабиётда мавжуд тайёр тил моделларини бадиий тарзда ифодалаш («алҳамдулиллоҳ» ўрнига «алҳамдусано», «пардаарўсак» (ўсимлик) ўрнига «субҳарўсак»), ҳажв, киноя (ирония) кабилар бу усулнинг Фарзона шеъриятидаги асосий белгиларидир. Шунингдек, унинг баъзи шеърларида девона образига дуч келамиз. Фарзона қилиқлари, қаҳ–қаҳ уришларини тасвирлар экан, уни ўзларини «солимулақл» деб билган одамлар қаторига қўяди. Ўзини девоналардан устун билган одамлар ишларида салоҳиятни кўрмаган шоиранинг бу каби тасвирлари замирида истеҳзо ва кинояни кузатиш мумкин. «Долони субҳ» (187,107) шеърида шоира бу асабий, ишқсиз, дайди жамиятдан «тонг йўлаги»га томон қочмоқчи эканини айтади. У ҳашаматли мажлислар, иш ҳужрасидаги сарғайган қоғозлар, занглаган ташвишлар, ифодасиз чеҳралар, қуруқ суҳбатлар–умрнинг бўш лаҳзалари ҳақида ўйлашни истамайди. Ана шу қочиш, ўйламасликка қарор қилиш, реал воқеликнинг умидсиз ва истеҳзоли тасвири постмодернистик тамойилнинг поэтик ифодасидир. Шу ўринда айтиш жоизки, тожик адабиётшунослигида ҳозирги тожик ижодкорлари ижодида мураккаб хусусиятларга эга бўлган постмодернистик тамойилнинг таъсири масаласи ҳанузгача етарли даражада ўрганилган эмас.

Фарзона шеърияти эстетик жиҳатдан бой бўлиб, унда гўзалликнинг олий ғоялари тараннум этилади. Шоиранинг айтишича, биз гоҳида нигоҳ ташлашга фурсатимиз йўқлиги боис («Нигоҳ фурсати», 187,238) гўзалликни кўролмаймиз, эшитмаймиз ҳамда гапиролмаймиз. Жамиятдаги таназзул ва фожиа иймонсизлик, бемеҳрлик ва ишқсизликдан келиб чиқади. Шоира дунёни қутқарувчи, ҳатто «инсониятнинг ярмини қийнагувчи» гўзалликни Мавло (йўлбошчи) тимсолида тасвирлайди. У оддий нарсаларда ҳам гўзалликни кўради. Бу мавзу талқини ижодкор шеъриятида ҳашаматли Ишқ, Шамс, Фардо (Келажак), Худонинг қудратли руҳи образларида намоён бўлиб, Фарзонанинг олий эстетик ғояларини ифодалайди.

Шоира ижодиётидаги янги шеър ўзининг ранг-баранглиги, жозибадорлиги билан ҳозирги тожик назми ривожига хизмат қилади. Оқ

шеър ўзининг кенг ички имкониятлари туфайли ўзида лирик ва эпик хусусиятларни мужассам этади. Фарзона шеърияти ана шу жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Учинчи боб **«Фарзона шеърияти поэтикаси»** деб номланган бўлиб, **«Фарзона шеърида образ ва унинг хусусиятлари»** мавзуидаги биринчи фаслда ижодкор шеъриятининг образлар олами, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш маҳорати ҳақида сўз боради.

Фарзона шеърларида янгича мазмун оҳорли образ ва тимсоллар орқали ифодаланади. Жумладан, янги замонавий истилоҳлар (Боинг, телефон, компьютер, код, «Жип» машинаси, адрес, телевизор), диний истилоҳ ва иборалар (Ёсин, фотиҳа сураси, алҳамд), янгича метафоралар (юрак қизил китоби, қуёш байроғи, боғ, ёмғир, олча гули, олма гули, нур) турлича мазмун касб этган. Ҳозирги тожик шоирлари орасида кўпроқ Фарзона ижодида ошиқона телефон суҳбат кузатилади. Унинг лирик қаҳрамони қуёшни баҳор келиши билан телефон орқали табриклаши, ҳатто Худо қалбига сим қоқиб, шу йўл билан одамларга ишқ келишидан дарак бериши мумкин. Бу каби поэтик янгиланиш тожик назмида миллийлик ва замон руҳи акс этишида муҳим аҳамият касб этиб, шоиранинг бой тахайюли ва шоирона маҳоратидан далолат беради.

Шоира ижодиётида бадиий тасвир воситаларининг бир қанча хилларини учратиш мумкин. Жумладан, ташбиҳ, истиора, талмиҳ, ташхис, акс, муболаға, тазод, тажнис, иҳом, иштиқоқ, тазмин ва ҳоказо. Муболаға ва иғроқ бобида шоира меъёрни сақлайди, уларни фақат поэтик восита сифатида ишлатади. Сонлар воситасида жозибадор муболағалар яратади:

Дарро кушодаам, ки табибе фаро расад,
Сад сол шуд, наёмад, з–ин пас чаро расад? (186,458)

(Таржимаси: Табибни кутиб эшикни очиб қўйганман,
Юз йил бўлди келмади, энди нега келсин?)

Ёхуд эркин шеър таркибида Ҳофизнинг ғазалидаги байтни тазмин этиш тожик назмида бу санъатни қўллашдаги новаторлик саналади.

Фарзона ранглар воситасида (яшил нознинг қиёмати, гулоб пайванд, гулоб орзулар) ўзига хос метафоралар ижод қилади.Унинг бу борадаги тажрибалари рус шоири С.Есенин ижодидаги тимсолларни ёдга солади. Жумладан, “лимўи моҳ”–“ой лимони” метафораси ҳар икки шоирда ўзига хос ифодаланган:

Фарзона: Шаб фишори хун дорад, ку лимўи моҳи ў,
Гарм–гарм мепечад оҳи ман ба оҳи ў. (187, 194)

(Таржимаси:Туннинг қон босими ортди, қайдадир ой лимони?
Иссиқ–иссиқ ўрмалар унинг оҳига оҳим.)

Есенин : Синий туман. Снеговое раздолье,
Тонкий лимонный лунный свет.
Сердце приятно с тихою болью
Что–нибудь вспомнить из ранних лет. (177, 335)

Бу образ форс–тожик мумтоз шоири Ашраф шеъриятида ҳа (Ҳусни лимӯии он оинарӯ ҳам бад нест) ёр жамоли талқини сифатида учрайди. Фарзона ижодида у янгича дид билан кӯзга ташланади. Лимуий ҳуснни (Ашраф) тасаввур этиш мушкулроқ бӯлиб, ойнинг лимонга хос ранги (Есенин) унинг асл табиий рангига яқинроқдир, аммо ой лимони (Фарзона) ӯзига хос метафорик образ сифатида туннинг қон босимига мутаносиб тасвирлангани шоиранинг беқиёс поэтик маҳоратига далилидир.

Бобнинг иккинчи фасли **«Фарзона шеъриятининг қофия ва радиф хусусиятлари»** деб номланган.

Маълумки, ҳозирги форс–тожик поэтика илми Шарқ ва Ғарб поэтикаси ютуқлари асосида ривожланиб бормоқда. Ӯрта аср поэтикасида қофиянинг сифатига асосан унинг шаклий хусусиятларига кӯра баҳо берилар эди. Ҳозирги замон поэтикасида қофия функциялари, унинг шеър структурасидаги ҳамда моҳиятни ифодалашдаги ӯрни ҳам инобатга олинади. Адабиётшунос олим Шафеий Кадканийнинг «Мусиқии шеър» («Шеър мусиқаси») китобида қофиянинг мусиқий таъсири, шеър маънавий гӯзаллигига таъсири, фикр ва ҳиссиётни низомга солиши, хотирани мустаҳкамлаши ва шеърни ёдлашдаги кӯмаги, поэтик вазифаси каби адабий-эстетик хусусиятларига илмий баҳо берилган.

Фарзона шеърларида қофиянинг ӯрни масаласи мумтоз форс–тожик ва рус адабиётларидаги назарий қоидаларга таянилиб таҳлил қилинди. Жумладан, тӯртликлар асосида рус қофияси анъаналари, ғазал мисолида пурбаҳо**(тӯқ)** ва камбаҳо**(оч)** қофиялар ӯрганилди. Камбаҳо қофиялар «уюби мулаққаба ва ғайримулаққаба» гуруҳларига ажратилиб, унга мувофиқ қофиядош сӯзлардаги равийдан олдинги ундош ва унли товушлар (ҳазвлар)даги ихтилоф («бира**ф**та» ва «гири**ф**та» каби қофияларда), «у» ва «ӯ» товушларини қофиялаш («орзу» ва «гуфтугӯ»-га ӯхшаш қофияларда) вазн тақозоси билан сӯз аслини ӯзгартириш («Аҳреман»-нинг «Ҳареман» шаклида келиши) ва бошқа хусусиятлари тадқиқ этилди.

Ишда қофиянинг шеър шакли ӯзгаришида тутган ӯрни мусаммат ва бошқа жанрлардаги шеърлар мисолида таҳлилга тортилди. Фарзонанинг баъзи шеърлари асосида ҳиссиёт ва туйғу мазмуннинг ифода шаклига нечоғли таъсир этиши масаласига эътибор қаратилди. Хусусан, «Ғурбати андӯҳ»-да (185,16) қофиянинг номунтазамлиги (**ааабвввввгггддеееежж**) муаллифнинг паришонлиги ва изтироб ҳолатидан далолат беради. Шоира ижодида қитъанинг жуфт қофиядан озодлиги, мисраларнинг камайиш ва ошиш хусусияти, ҳажмнинг номунтазамлиги, ундаги имкониятлар қолиплар синтезини вужудга келтиргани, мавзу доирасининг кенглиги мазкур жанр негизида янги шеър шаклланишига омил бӯлганини тасдиқлайди.

Қофиянинг ғояни етказиш ва шеър таъсирини кучайтириш хусусияти шу даражада муҳимки, ҳатто оқ шеърларда ҳам унга эҳтиёж

туғилган. Аксар ҳолларда Фарзонанинг насрий хусусиятга эга бўлган шеърлари **аабб, ааба, абвб** тарзидаги қофиялар билан якун топади.

Эронлик тадқиқотчи Ҳасанали Муҳаммадий афғон ва тожик шеъриятларида қофиянинг ривожланиши жараёнига баҳо бериб, уларнинг анъанавий қофия меъёрларини бузиши, шунингдек, турли жанрлар (дубайтий, маснавий, фард) қофиялари асосида вужудга келган шеърий шаклларнинг янги шеър деб аталиши ҳақида фикр билдиради. Унинг таъкидлашича, тожик адабиётида «… Бозор Собир, Гулрухсор, Фарзона ва Лоиқ каби шоирлар бу шевада муваффақият қозонишган».[1] Бошқа эронлик олим Алиасғар Шеърдўстнинг фикрича:«Тожикистон шеъридаги қофияга оид нуқсонларни шоирларнинг эътиборсизликлари ва енгил ўйлашларидан деб бўлмайди. Тожик шоирлари айрим ўринларда қофиянинг қобилиятларини Эрон шоирларидан кўпроқ кашф этганлар ва табиий қофиясоз вазиятлардан яхши фойдаланганлар»[2].

Девонда қофия санъатларидан ҳисобланмиш зуқофиятайн (мисралар охиридаги қўш қофия) ва зулқавофи (мисраларнинг турли қисмларидаги ҳамоҳанглик) кўп учрайди. Шоиранинг маҳорати шундаки, кўпинча унинг байтларида бадиий воситалар уйғунликда келади. Хусусан, уларда такрор, тарсеъ, тазод ва мураккаб радиф каби унсурлар мутаносибликда ифодаланади:

Дар ҳарири нози худ нозат кунам,
Дар сарири рози худ нозат кунам. (187,106)

(Таржимаси:Нозимнинг ҳаририда (нозик матода) сенга ноз қилай,
Розимнинг саририда (тахтида) сени эркалатай.)

Форс–тожик адабиётшунослигида радиф шеърнинг таркибий қисми эмас, балки санъат, яъни такрорнинг бир тури ҳисобланган. Фарзона девонидаги ғазалларда феъл туркумига оид 67 радифдан 23 таси кўмакчи феъллар («феъли робит»)-«аст», «ҳаст», «(на)будан» бўлиб, бу турдаги радифлар кўпинча мустақил маъно ифодаламаслиги боис мисрадаги бошқа сўзлар билан бирга қўлланилади. Радифнинг таркибий, ҳатто гап тарзида келиши унинг шеърдаги аҳамиятини оширади. Шоиранинг тўртликларидан бирида радифнинг «қофияи камаркаш» («опоясывающая рифма»-**абба**) тарзида(**аббб**) келиши кузатилади:

Донам онро, ки бо дигар ёре
Зиндагӣ *саҳлу сода хоҳад шуд*,
Ҳар қадар *саҳлу сода хоҳад шуд*,
Он қадар беифода хоҳад шуд. (185,197)

(Таржимаси:Биламанки, бошқа ёр билан
Ҳаёт бўлгай содда ва осон.
Осон бўлса ҳамки ҳар қадар,
Ифодасиз бўлар шу қадар.)

Умуман, радиф шоира шеърларида асосан анъанавий, гоҳида ўзига

---

[1] Ҳасаналии Муҳаммадӣ. Қофия дар шеъри муосири форсӣ (Дар мисоли намунаҳои шеъриии форсӣ,тоҷикӣ ва афғонӣ) // «Рушд.Омӯзиши забон ва адабиёти форсӣ», зимистони 1383.-72

[2] Алиасғари Шеърдўст.Чашмандози шеъри имрўзи тоҷик. Душанбе:Адиб,1997.-271с.

хосдир. Қофия Фарзона шеъриятида шу қадар серқирраки, баъзан шаклларни ҳатто номлаш ҳам мураккаб. Шоиранинг ижодий изланишлари натижасида айрим ҳолларда қофия низоми ўзгариб, шакл мазмунга бўйсундирилган. Зуқофиятайн ва зулқавофи ижодкорнинг эстетик завқини намойиш этиши билан бирга шеър ритми ва бадииятини таъминлашга ҳам хизмат қилган.

Фарзонанинг шеърларида арузнинг тутган ўрни масаласи мазкур бобнинг **«Фарзона шеърияти вазнлари»** аталмиш учинчи фаслида тадқиқ этилган.

Вазн шакл категориясига мансуб бўлиб, шеърда мусиқийликни таъминловчи омиллардан. Буюк шоир Алишер Навоий Қуръон оятларидаги оҳангга уйғунлигини эътиборга олиб, арузни «фанни шариф» деб атаган. Адабиётшунос С.Юнусов Фарзонанинг «Шабохуни барқ» мажмуасидаги 112 ва матбуотда босилган 16 та шеърида арузнинг 8 баҳри қўлланганини таъкидлайди, шунингдек, бармоқ вазнида биронта ҳам шеър ёзмаганини айтади.

Шеърнинг мусиқийлиги нафақат зоҳирий нафосати, балки мазмун ҳамда унли ва ундош товушлар оҳангдошлиги натижасида юзага келган ички ритм билан мутаносибликда унинг поэтик гўзаллигини таъминлайди.

Диссертацияда тадқиқот объекти сифатида «Қатрае аз Мўлиён» девонининг биринчи жилдидаги 72 ғазал таҳлил қилинди. Улардан 21 ғазал рамал баҳрида, 20 таси ражаз, 13 таси музореъ, 11 таси ҳазаж, 10 та мужтасс баҳрларида битилган бўлиб, хафиф ва мунсареҳ баҳрларидаги ғазаллар сон жиҳатидан камроқдир. Шунингдек, рамалнинг 12 зиҳофи, ражазнинг 12, ҳазажнинг 8, музореънинг 6, мужтасснинг 5, хафиф ва мунсариҳнинг 1 зиҳофларида ғазаллар куйланган. Ражази мусаммани солимда 8, музореъи мусаммани ахраби маҳзуфи макфуфда 6, рамали мусаммани маҳзуфда 5, ҳазажи мусаммани солимда 4 тадан шеърий намуналар мавжудлиги шоиранинг завқи ва бу баҳрларга алоҳида эътиборидан дарак беради. Даврий вазн (мисраларнинг тенг икки рукнда келиши) 12 ҳолатда ва мулавван, ёки зубаҳрайн санъати (бир шеърнинг икки вазнда айтилиши) 6 ҳолатда кузатилади. Бу жараёнда ражаз баҳри рамал ва ҳазаж каби аслий баҳрларга нисбатан кўпроқ қўллангани маълум бўлди. Ражаз луғатда изтироб, суръат, шитоб маъноларини ифода этади. Воқеан, лирика ўзида ана шундай туйғуларни ҳам мужассамлаштиради. Арузда шеър оҳангининг мазмунга уйғун тарзда шаклланиши унинг мусиқийлиги ва таъсирчанлигини оширади.

Эрон олими Алиасғар Шеърдўст «Чашмандози шеъри имрўзи тоҷик» китобида ҳозирги тожик шоирлари асарларини таҳлил этар экан, улар асосан ҳазаж, рамал ва ражаз баҳрларига рағбат кўрсатганларини уқтирадики, бу фикр илмий ишда Фарзона ижоди мисолида исботини топди. Шоира анъанавий жанрлардан ташқари эркин шеърда ҳам аруз вазнини қўллаши, ўзбек эркин шеъриятидан фарқ қилган ҳолда, тожик

назмида мумтоз адабий-эстетик руҳнинг юксалишига хизмат қилди дейиш мумкин.

Умумий хулосалар

Фарзона Хўжандийнинг ижодий фаолияти ҳамда шеъриятининг поэтикасига доир илмий тадқиқот натижаларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

Мумтоз ва замонавий форс–тожик ҳамда жаҳон адабиётидаги ижодий тажриба ва ютуқларга таяниб, М. Қаноат, Лоиқ, Бозор, Гулназар, Гулрухсор каби даврнинг пешқадам шоирлари анъаналарини давом эттирган Фарзона тожик шеъриятини янги мавзу ва ғоялар билан бойитди. Мазкур шоирлар ижодида замон руҳи кўпроқ давр воқелиги талқини асосида намоён бўлса, Фарзона назмида янгича замонавий тушунчаларнинг, замонавий техникага оид истилоҳларнинг бетакрор поэтик талқинини кузатиш мумкин.

Шоира ижодида ғазал, маснавий, рубоий ва дубайтий каби анъанавий жанрлар етакчилик қилса-да, улар мавзу талқини, бадиияти жиҳатидан янги замон руҳини мужассам этади. Мусаммат, қитъа, таркиббанд ва таржеъбанд каби жанрлар борасида Фарзона айрим ижодий тажрибалар қилиб, қофияланиш тарзи ва тузилишига кўра уларнинг янгича шаклларини ҳам яратди. Мумтоз поэтик жанрлар хусусиятларини синтезлаш натижасида янгича шеър намуналарини ижод қилди. Қитъа жанри имкониятлари ҳам шоира маҳоратини намоён этишда қўл келган. Жанрлар кўламининг кенглиги, теран мазмун ва поэтик шакл уйғунлиги, вазн ва қофияда мукаммаллик, шеърий ижодда новаторликка интилиш-Фарзона шеъриятининг ҳаракатчан хусусиятларидандир.

Фарзона лирикасининг мавзу кўлами ранг–баранг, шоира назмида ишқ дунёвий ва илоҳий талқинда, ўзликни англаш шахсий ва миллий–ижтимоий моҳиятда ифодаланади. Шоира асарларида ирфон тушунчаси мумтоз адабиётдаги мазмун моҳиятидан фарқли ўлароқ ҳаёт ҳақиқати ва инсоннинг жамиятдаги мавқеи билан уйғунликда тасвирланади.

Она Ватан, унинг бетакрор гўзаллиги тасвирида Фарзона асосан қишлоқ ва тоғ манзараларини васф этувчи шоирлардан фарқли ўлароқ кўпроқ шаҳар ҳаёти ва маданиятига урғу беради. Шоира яратган она образи ҳам моҳиятан янгича бўлиб, зиёли шаҳар аёли тимсолида талқин

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

қилинади. Фарзона шеъриятдаги она мадҳида туркум шеърлар «модароналар» яратди. Уларда онанинг ўз фарзанди хусусидаги орзу–умидлари акс этган. Гулрухсорнинг шу каби туркум шеърларидан фарқли ўлароқ, улар ғазал жанрида битилган.

Шоиранинг зардуштийлик, митроизм, масиҳийлик, буддавийлик ва ислом эътиқодларининг ахлоқий қадриятлари, инсонпарварлик ғояларидан баҳраманд бўлганлиги яққол кўзга ташланади. Бу таъсирланиш кўпинча шеърлар замиридаги ахлоқий масалалар талқинида намоён бўлади. Нафсни енгиш ва гўзал ахлоқ васфида шоира тожик адабиётида «гуноҳ» фалсафасини ўзига хос поэтик талқин қилди. Замонавий тожик шеъриятининг муҳим қирраларидан бўлган Шарқ ва Ғарб тамаддунининг уйғунлашуви Фарзона ижодида бадиий ифодасини топган. Шоира назмидаги навпардозлик, ўзига хослик янги замонавий мазмун ва ғоялар, янги образлар, тил хусусиятлари, шеърий шакллар синтези, қофия структурасидаги ўзгаришлар ҳамда янгича ижодий услублар заминида юзага келган.

Шоиранинг дунёқараши ва ҳаёт воқелигига муносабати бугунги кунда жаҳон адабиётида мавжуд бўлган хилма-хил бадиий усуллар воситасида ифодаланган. Жумладан, Фарзона шеърларида сюрреализм, психологизм, модернизм, постмодернизм, ҳиссиётомизлик, тил диверсияси (deviation) усулларининг таъсири сезилади. Шоира ижодий услубининг ўзига хослиги, жанрлар ва бадиий тасвир воситаларидаги поэтик кашфиётлари асосан ана шу омиллар билан ҳам изоҳланади.

Оқ шеър Фарзона учун тажриба лабораторияси бўлган: янги маъно ва мазмун, тасвир, ҳис–туйғулар ифодаси–буларнинг барчаси мазкур шеър шаклида маҳорат билан талқин этилган. Бу эса унинг янги шеър борасидаги салоҳиятидан далолат беради. Шоиранинг оқ шеърлари замонавий тожик назмининг юксак намуналари бўла олади.

Замонавий Эрон шоирлари асарларидан илҳомланиш ва издошлик шеърлар мазмунида ҳамда ифода услубида намоён бўлади. Фурўғ Фаррухзод ва Сухроб Сипеҳрий ижодидан илҳомланиш кўнгил сирлари ва изтироб баёнида кузатилади. Бу шоирлардан фарқли ўлароқ Фарзонанинг лирик қаҳрамони ҳаётдўст ва ижтимоий фаолдир.

Халқона иборалар, сўзлашув услуби, техника атамалари, байналмилал сўзлар ва гоҳида форсий сўзлар ўз ўрнида ишлатилгани учун Фарзона шеъриятининг тилини безаб туради. Инчунун, айрим сўз

ва тушунчаларнинг бош ҳарфлар билан ёзилиши уларнинг маъносин таъкидлаб кўрсатишга хизмат қилган. Шоира Ғарб адабиёти ютуқларидан ҳам самарали фойдаланади. Бу эса, ўз навбатида, замонавий тожик шеъриятига ижодий янгиликларнинг кириб келишида алоҳида аҳамиятга эга. Шеърда, хусусан янги шеърда сўзлашув услубини қўллаш, жамият воқелигини бадиий тасвирлаш, халқ этнографиясига хос миллий мазмуннинг бадиий ифодаси орқали шоира поэтик иқтидорини кўрсата олган.

Фарзона ижодида қофия янги шеърнинг ранг–баранг имкониятларини намоён этишда алоҳида ўрин тутади. Янги тожик шеъриятининг янги форс ва рус поэзияси билан ўзаро таъсирланиш асосида ривожланганини таъкидлаш керак. Дарҳақиқат, араб имлосидаги ҳарф ва товушларнинг кирилл ёзувидаги ҳарф ва товушлар билан бирга қофия ҳосил қилиши гоҳида табиий вазиятда юзага келади. Ҳатто оқ шеърларда ҳам қофия шоиранинг ижодий мақсадига кўра ифодаланган ғоянинг таъсир кучини ошириш вазифасини бажарган. Замонавий адабиётда мумтоз шеър руҳини сақлай билишда Фарзонанинг хизмати беқиёсдир.

Умуман, Фарзона ижодиёти серқирралиги, теран мазмун, бетакрор бадиий шаклда талқин этилгани билан замонавий тожик назмини жаҳон адабиёти миқёсларига юксалтиришга ҳамда умумфорсий адабиётлар алоқаларини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди. Шоира шеърларининг дунё халқлари, шу жумладан ўзбек тилига таржима этилгани икки халқ ўртасидаги адабий алоқалар ривожида аҳамиятдан холи эмас.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

Диссертация мавзуси бўйича нашр этилган илмий ишлар рўйхати:

1.Ҳазратқулиён Д. Поэтикаи шеъри Фарзона // Монография.-Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2011.-130 саҳ.

2.Ҳазратқулова Д. Баъзе мулоҳизаҳо оиди ашъори Фурӯғи Фаррухзод // Филологик изланишлар. Илмий мақолалар тўплами. СамДУ, 2006.- саҳ. 33-37

3.Ҳазраткулиён Д. Фалсафаи табиӣ дар ашъори Фарзона // Пажӯҳишоти суханшиносӣ. Маҷмӯаи мақолаҳои илмӣ. –Самарқанд: СамДУ, 2006.- саҳ. 30–32

4.Ҳазраткулиён Д. Вақте ки чароғ шеър мехонад //«Адабиёт ва санъат», №5, 2006.-саҳ. 12

5.Ҳазраткулиён Д. Шеваи гуфтори ашъори Фарзона // Филологические исследования.Сборник научных трудов.–Самарканд:СамГУ, 2008. –саҳ. 130–133

6.Ҳазраткулиён Д. Санъатҳои бадеӣ дар ашъори Фарзона // Самарканд: СамГУ, 2008.-саҳ. 29-31

7.Ҳазраткулиён Д. Баъзе хусусияти шеъри сафед дар ашъори Фарзона // Масъалаҳои муҳими забон ва адабиёти тоҷик. Маҷмӯаи мақолаҳои илмӣ.–Самарқанд: СамГУ, 2008.-саҳ. 45-48

8.Ҳазраткулиён Д. Баъзе хусусияти шеъри сафед дар ашъори Фарзона //«Садои Шарқ», № 5, 2010.-саҳ. 110-111

9.Ҳазраткулиён Д. Фарзона ашъорида дӯст образи // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси.-Самарқанд:2009. - № 2(60). – б.58-60

10.Ҳазраткулиён Д. Офтобат занад ар мункари Ховар бошӣ //«Мино», №5, 2010.-саҳ. 13

11.Ҳазратқулиён Д. Шеърий таржимада эркинлик ва ижодийлик // «Ўзбек тили ва адабиёти».-Тошкент: 2010, №4, б.76-80

12.Ҳазраткулиён Д. Таъсирпазирии Фарзонаи Хуҷандӣ аз ашъори Сӯҳроби Сипеҳрӣ // «Сино».-ЭИР: «Бунёд-э андише-йэ эсломи», 2008, қиш, № 32, 2009, баҳор, №33, б. 59

13.Хазраткулиён Д. Вдохновение Фарзонаи Худжанди поэзией Мавлави. // «Dil və ədəbiyyat».- Baki:2010, №15, стр. 184-187

14.Хазраткулиён Д. Взаимосвязь поэзии Фарзонаи Худжанди и Сухроба Сипехри // «Ираннамэ».- Казахстан: 2010, №15, стр. 93-100

15.Хазраткулиён Д. Взаимосвязь поэзии Фарзонаи Худжанди и Сухроба Сипехри // Вестник Бакинского Университета (серия гуманитарных наук).- Баку: 2011, №,1, стр. 73-80

16.www.mehroin.blogspot.com // Дилшоди Фарҳодзод. Маҷмӯаи мақолаҳо доир ба хусусияти ашъори Фарзона

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

Филология фанлари номзоди даражасига талабгор Ҳазраткулиён Дилшодаи Фарходзоднинг 10.01.06 – Осиё ва Африка халқлари адабиёти (тожик адабиёти) ихтисослиги бўйича «Фарзона шеъриятининг поэтикаси» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: янги шеърий шакллар: нимоий, эркин, оқ шеър, шеърдаги миллийлик руҳияти, анъанавийлик ва янгилик, ижодкорона издошлик, табъ эркинлиги, ҳозирги тожик адабиёти, ҳозирги форс адабиёти, модернист шоирлар, янги ижодий тамойиллар: психологизм, сюрреализм, модернизм, постмодернизм.

Тадқиқот объекти: замонавий тожик шоираси Фарзона шеърияти, баъзи ҳозирги замон тожик ва форс шоирларининг ижодий намуналари.

Ишнинг мақсади: Фарзона ижодиётини тадқиқ этиш воситасида унинг ҳозирги адабиётда тутган ўрни ва адабиёт ривожига қўшган ҳиссасини илмий тарзда аниқлаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Фарзона ижодиётининг поэтик хусусиятлари, унинг ҳозирги тожик адабиётидаги мавқеи аниқланди, ҳозирги тожик ва форс адабиёти ўзаро алоқаларининг тожик назми ривожига таъсири кўрсатилиб, шоиранинг тожик адабиётида муҳим ўрин тутганлиги исботлаб берилди. Унинг ижоди мисолида ҳозирги тожик назмида мавжуд бўлган адабий тамойиллар, лирик жанрлардаги ўзига хос хусусиятлар, ижодий ва бадиий усуллар хусусияти ўрганилиб чиқилди.

Амалий аҳамияти: Диссертациядан келиб чиққан илмий хулоса ва натижалардан ҳозирги тожик адабиёти ривожланиши жараёнини аниқлашда, янги шеърий шакллар хусусиятини тадқиқ этишда, шоира ижодиёти ва унинг бадиий хусусиятини ўрганишда, шунингдек, поэтика, ҳозирги тожик адабиёти тарихи, ҳозирги адабий жараён, адабиётшуносликка кириш курслари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Диссертациянинг асосий мазмуни монография, журналлар, рўзнома ва илмий тўпламларда босилган 15 мақолада баён этилган. Ундан асосан 80 –йиллардан кейинги даврдаги адабиёт ривожланиши ҳолати, янги тожик шеъри масаласини ўрганишда, ҳамда Фарзона шеъриятининг поэтик хусусиятларини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, мазкур иш «Поэтика», «Адабиётшуносликка кириш», «Ҳозирги тожик адабиёти тарихи», «Ҳозирги адабий жараён» фанларидан махсус курс ва семинар ўтиш жараёнида илмий манбаъ сифатида қўлланилиши мумкин. Диссертация материаллари олий ва ўрта махсус таълими муассасаларида тожик тилида олиб бориладиган фанлар учун дарслик ва ўқув услубий қўлланмалар тузишда аҳамиятлидир.

Қўлланиш соҳаси: ҳозирги тожик адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, ҳозирги адабий жараён, адабиётшуносликка кириш.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

РЕЗЮМЕ

диссертации Хазраткулиён Дилшоды Фарходзод на тему «Поэтика поэзии Фарзона» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.06 – литература народов Азии и Африки (таджикская литература)

Ключевые слова: новые стихотворные формы: нимаи, свободный и белый стих, национальная духовность в поэзии, традиции и новаторство, творческое подражание, нравственная независимость, современная таджикская поэзия, современная персидская поэзия, поэты – модернисты, новые творческие течения: психологизм, сюрреализм, модернизм, постмодернизм.

Объекты исследования: поэтика творчества современной таджикской поэтессы Фарзона в сопоставлении с творчеством некоторых современных таджикских и персидских поэтов.

Цель работы: исследуя поэтическое творчество Фарзоны уточнить её позицию и вклад в развитии современной поэзии.

Методы исследования: историко – литературный и сравнительно–типологический методы.

Полученные результаты и их новизна: выявлены особенности поэтики Фарзоны, определена занимаемая ею позиция в современной таджикской поэзии. Исследовано развитие таджикской поэзии в тесной взаимосвязи с персидской поэтической традицией. На примере творчества Фарзоны рассмотрены литературные тенденции, поэтические и творческие методы, своеобразие лирических жанров.

Практическая значимость: полученные результаты и научные методы могут быть использованы в исследовании проблем литетатурных направлений и течений современной таджикской литературы, поэтики художественного творчества, в определении свойств новых стихотворных форм, изучении особенностей поэтического творчества Фарзоны, а также использованы при создании учебников и пособий по истории и теории таджикской литературы.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основное содержание диссертации отражены в монографии, в 15 научных статьях опубликованных в журналах, газетах и сборниках. Результаты исследования могут быть использованы на спецкурсах по «Поэтике», «Истории современной таджикской литературы», «Введение в литературоведение», «Современный литературный процесс», а так же при составлении учебников и учебно-методических пособий для студентов факультета таджикской филологии и учащихся средних учебных заведений с таджикским языком обучения.

Область применения: теория литературы, история современной таджикской литературы, литературное направление, введение в литературоведение.

ABBYY PDF Transformer 2.0 Click here to buy www.ABBYY.com

Rezume

Thesis of Khazratkuliyon Dilshodai Farkhodzod on the scientific degree competition of the candidate of philological sciences, in speciality 10.01.06 – Literature of Asian and African people (Tadjik literature) subject: "Farzona's poetic artistry."

Key words: structure of new poetry: nimai, contemporary verse and free verse, national spirit in poetry, tradition and innovation, autonomous disposition, free expression, modern Tajik literature, modern Farsi literature, modern poets, new creative methods/styles, psychologizing, surrealism, modernism, postmodernism.

Subjects of the research: Poetic distinctives (characteristics) in the poetic works of modern Tajik Poetess Farzona, artistic and creative examples of various modern Tajik and Farsi poets.

Aim of the research: To study the poetic creativity/artistry of Farzona and by means of this research to determine and clarify the place and contribution Farzona in the development of Tajik Verse.

Methods of research: Historiography and comparative analysis including typological analysis.

The results achieved and their novelty: The distinctive characteristics of Farzona's creative poetics and her place in contemporary Tajik literature will be demonstrated. It has been demonstrated that various qualities in modern verse came into existence due to the contact between modern Tajik and Farsi literature and these qualities of modern verse were affected by how modern poets accepted modern verse styles and modern poetic techniques.

Practical value: The results and conclusions of this research dissertation will be useful for the demonstrating the directions/flow of development in modern Tajik literature, the study of the those characteristics and distinctives, in the research of the shape of new poetic characteristics, in the study of poetic creative artistry/creative poetic expression, some relationships between Tajik and Farsi literature, and thus for the preparation of textbooks, handbooks/guides on poetry/poetics, the history of Tajik literature, literary theory and the development/advance of literature specialists.

Extent of applicability and economic usefulness: The basic ideas/concepts of the dissertation has been expressed by means of published articles, and in journals, newspapers, monography and academic collections. Thus, in the sphere of developing literature, since the 1980s, various specialists in attempting to to demonstrate the aspects of new Tajik poems, have been able to utilize the poetic distinctives found in Farzona's writings. For this reason, in the course of special classes and seminars on Poetics, the advancement of literature specialists, the history of modern Tajik literature, this dissertatation may be of service in the advancement of knowledge and learning. The material in this dissertation is important for the organization of instruction in higher and secondary education and for writing of instruction and methodology handbooks.

Sphere of usage: literary theory, history of Tajik literature, history of modern Tajik literature.